



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2010 йил  
29 сентябрь  
ЧОРШАНБА  
№ 77  
(12.297)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ВИЛОЯТДА ЯНГИ КОРХОНА

Республикамиз аҳолисини ва даволаш муассасаларини сифатли, нисбатан арзон дори-дармонлар билан таъминлаш масаласи давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Мустақилликнинг дастлабки йиллари "Ўзфармасаноат" давлат акциядорлик концерни таркибида учта ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда иккита илмий-тадқиқот институти бор эди, холос. Бугунги кунга келиб эса, республикамизда фаолият юритаётган фармацевтика корхоналари 110 тадан ошиб кетди.

Сўнгги йилларда маҳаллий фармацевтикага алоҳида эътибор берилиб, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди. Ишлаб чиқариш корхоналари реконструкция ва модернизация қилиниб, янги цехлар ва линиялар ишга туширилмоқда. Халқаро ISO-9001 ҳамда GMP талабларига замонавий ишлаб чиқаришни жорий этиш дастури амалга оширилмоқда.



## ШЕРИКЛИККА ЎЗБЕКISTONНИ ТАНЛАШДИ

мақсадида завод бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Этиборли жиҳати шундаки, бу қўшма корхона республика Президентининг 2007 йил 19 ноябрдаги "2011 йилга қўшаётганимизда фармацевтика тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳоз-



"Ўзфармасаноат" корхоналари яна биттага кўпайди. Кеча Оқориқчиқ тумани Бордонқўл қишлоғида инъекцион дори воситалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "UzGermed Pharm" - Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирилик, идора, ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Меҳмонларни янги корхона фаолияти билан таништириш



лаш дастури тўғрисида" - ги Қарорига мувофиқ ташкил этилди. Қишлоқда қисқа фурсатда шундай замонавий корхона қурилиб, ҳозирнинг ўзида 50 га яқин маҳаллий аҳоли янги иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг аксарияти шу қишлоқ ёшларидир. Корхона тўла

тинчлик ҳар томонлама бизга маъқул. Одамлардаги меҳнатга бўлган иштирокини кўриб, ҳавасимиз келди. Ўзбекистон иқтисодий овозига бўлса ҳамда ишчиларнинг моддий шароитини яхшилашга ёрдам бераётганимиздан хурсандимиз.

Янги қўшма корхона ташкил этилиши учун "Саноатқурилишбанк"нинг виллоят филиали 1 миллиард 693 миллион сўм кредит ажратди. Уни энг сўнгги рўсумдаги замонавий технологик линиялар билан жиҳозлаш ва лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминлашда хитойлик ишбилармонлар ёрдам беришди. Цехларга юқори самарали замонавий ускуналар ўрнатилган бўлиб, бу маҳсулотлар сифатли бўлишини кафолатлайди. Назорат-таҳлилий лаборатория ҳам қимматли, ҳам микробиологик таҳлиллар ўтказиш учун GMP талаблари бўйича жиҳозланган. Корхонада йилга 3 миллион, соатига 20 минг дон шартли бирликда новоканин, кальций глюконат, глюкоза, димедрол, диабазол каби дори воситалари ишлаб чиқарилади.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

СУРАТАЛДАРДА: янги корхонанинг очилиши ва дастлабки иш фаолиятдан лавҳалар.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

### БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ – АМАЛДА

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг тақдиримизга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан шу йил 28 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор ижросини изчил таъминлаш мақсадида мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширмоқда.

Амнистия туфайли жазони ижро этиш жойларидан озод этилаётган шахсларнинг жамиятга мослашиши таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиши, иш билан таъминлаши уларнинг кейинги тақдирига, ҳаётда тўри йўл топишига ёрдам бериши шубҳасиз.

Тошкент виллоятининг Зангиота туманида жойлашган аёллар колониясида маъмур қарорнинг ижросини таъминлашга бағишланган навбатдаги тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

– Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор юртимизда инсонпарварлик тамойили устувор эканини яна бир далилидир, – дейди Жиноят ишлари

бўйича Зангиота тумани суди судьяси Дилшод Иззатов. – Азалдан билмай хато қилганини ёки қилмишидан пўшаймон бўлганларни кечириб, уларга яна имкон бериш халқимизга хос бағрикенглик ифодасидир. Амнистия акти замирида ҳам шундай буюк инсонпарварлик мужассамдир. Бундай бағрикенглик ва кечиримлик, айниқса, билиб-билмай жиноят қўчмасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этади. Амнистиянинг суд томонидан қўлланилаётгани инсон ҳуқуқларини суд орқали самарали таъминлашни кафолатлаш механизмининг янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, қарорда жазодан озод этилиш кўзда тутилганлар орасида аёлларга алоҳида эътибор қаратилган. Билиб-

билмай жиноят қўчасига кириб қолган ва оқибатда озодликдан маҳрум қилинган аёлларнинг кўпчилиги жазони ўташ жараёнида хатоларини чуқур англаб етади. Бойси улар учун оила ва фарзандидан айри яшайдан кўра оғирроқ жазо йўқ.

– Ойлам, фарзандларимдан айро ўтган кунларимда дунёдаги ҳар қандай мол-мулк, хою ҳавас яқинлардан азиз бўла олмастлики чуқур англади, – дейди амнистия шарофати билан жазодан озод этилган пойтахтлик Наргиза Қосимова. – Аслида аёл нафақат оилада, балки жамиятда ҳам ўз ўрнини йўқотмасликка ҳаракат қилиши кераклигини, бунинг учун ҳалол меҳнат – чин баб эканини, афсуски, кечроқ тушуниб етдим. Бировнинг ҳақиқа хизмат қилиш, фирибгарликнинг оқибати инсонни қай аҳволга солишини бошимдан ўтказдим. Юртбошимиз томонидан меҳнат каби адашганларга нисбатан кўрсатилган гам-хўрлик ҳаёт йўлини бутунлай ўзгартиради, энди ҳалол меҳнат қилиб яшайман, деб қатъий ишонч билан айта оламан.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
Ўза муҳбири.

## ИФТИХОР



### КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ОДИМЛАРИ

Бугунги кунда виллоятда тайёрланаётган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 54,2 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мамлакатнинг иқтисодий юксалишида муҳим ўрин тутувчи бу тармоқни жадал ривожлантиришга қаратилган эътибор ва гамхўрлик самараси ўлароқ бугун виллоятимизда иш олиб бораётган кичик бизнес субъектлари 36 минг 379 тага етди.

Шу йилнинг ўтган саккиз ойи давомида улар сафи **2752** тага кенгайди.

## ҚОРАСУВ ВА РОВАТҚА БИР КУН

"Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси виллоят филиали вакиллари Уртачирчиқ туманидаги Қорасув ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида бўлишиб, икки кун давомида ўқувчиларни тиббий қуриқдан ўтказишди.

Шунингдек, давра суҳбати ташкил этилиб, айниқса, қизлар орасида кўп учрайдиган бўқоқ ва камқонлик касалликлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тиббий гуруҳ Роватқ қишлоғида ҳам бўлиб, кам таъминланган оила фарзандларига жамғарма совғалари – кийим-кечак ҳамда шахсий орасталиги гигиена воситаларини тақдим этди.

Саид АСКАРОВА.


## ПАХТА – 2010

### ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ

Зебо Холмуродова ва Сайёра Тошбоева қишлоқ қизлари. Ҳозир Чиноз тумани "Яхшилик" фермер хўжалиги далаларида пахта териш бўйича уларга етадигани йўқ. Ҳали кўш Она ер бағридан бошини кўтармасидан бу икки теримчи пахтазорга етиб келишади. Куз кўши таъсирида бироз қорайган бўлишса-да, юзларидан нур ёғилади.

– Пахта терсам завқланаман, – дейди Зебо Холмуродова. – Шунинг учунми, ҳар йили терим мавсумини интиқиб кутаман. Ҳозир дугонам билан 150-200 килограмдан пахта тераямиз. Ҳамма шароитлар етарли. Терим ҳақини вақтида беришапти. Уй жиҳози сотиб олишни мўлжаллаб қўйгандим, етарли пул жамғарилиб қолди.

"Яхшилик" фермер хўжалиги 154,8 тонна ўрнига 159,7 тонна пахта топшириб, шартномани ортиги билан бажарди.



**Бекобод тумани:** "Шериев Мамадали", "Шариф-Ғайрат агро", "Қундузой Эсонтурдиева", "Ғайрат Файз агро", "Хушмуродов Раим", "Тоштемир омад барак", "Ҳосилот Бўронов Раим", "Мадаминов Бахтиёр", "Эркин Достон Омад", "Ўлмасов Мирзаэтамиз;

Чўлпон", "Иззатбек Эргаш ўғли".

**Куйичирчиқ тумани:** "Алатай Рамадан", "Махсат она", "Мўминжон Шухрат", "Бурч", "Алхалак Зиё".

**Оққўрғон тумани:** "Орифжон", "Рукч хўжа", "Зебо-Шохиста-Файз", "Қарши".

**Пискент тумани:** "Бердалиев Баҳром", "Бердалиев Мустафоқул", "Абдубурхон Номозбой".

**Ўртачирчиқ тумани:** "Абдулла Абдулоқ", "Миразиз Нур агро".

**Чиноз тумани:** "Ҳикматилла Йўлдошев", "Устабобоев Мирали", "Турғунбой", "Мулла Турдимурод", "Ғуломов Миркомил", "Юнусов Бегзод фазл барак", "Мукумий", "Арипов Тўраҳон".

**Юқориқирчиқ тумани:** "Нуржан Қулмас туп".

**Янгийўл тумани:** "Мирзахатам ота", "Комилжон саховати", "Мукаррам Шаҳзода", "Уктам Ғойиб".

Кузнинг ҳозирги очикойдин кунлари ғанимат. Шунинг учун ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, бор куч-имкониятларни ишга солган ҳолда далададаги "оқ олтин"-имизни тезроқ териб олиш зарур. Зеро, деҳқонларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган пахтанинг бир миққоли ҳам увол бўлмаслиги керак.

**СУРАТАДА:** "Яхшилик" фермер хўжалиги раҳбари Сайфулла Ашуров пахта шартномасини бажарганидан мамнун.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

## ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Успенский номидаги Республика илтифослаштирилган мусиқа академик лицейида ўқитувчилар ва мураббийлар кўни муносабати билан "Устозлар – юртинг энг улус, азиз ва мўстабар кийимлари андири мавзусида маъруза анжумани бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирилик ташаббуси билан ўтказилган анжуманда виллоятларда фаолият юритаётган тажрибали устозлар, вазирилик тизими ходимлари иштирок этди.

Семинарда таълим тизимида янги ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, мактаблардаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини замонавий талаб ва мезонлар асосида ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

"Туркистон-пресс."

**2011**  
йил учун  
**ОБУНА**  
давом этмоқда  
ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ  
газетасининг  
индекси –  
**205.**

ПАХТА – 2010



# «ҲОРМАНГЛАР» ДЕЙИШГА КЕЛДИК!

Вилоятимиз пахта далаларида йғим-терим авжига чиқяпти. Она-табиат сахийлик кўрсатаётган бир пайтда фермерларимиз терим суръатини бўшаптиришмаяпти. Қўшли кунларнинг ҳар бир дақиқасидан умумли фойдаланишга ҳаракат қилаётган теримчиларнинг ғайрат-шижоатини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётгани уларга куч-ғайрат бағишляпти. Бунда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда маънавият тарғибот маркази жонбозлик кўрсатяпти.

дайд маданий тадбирларнинг ўрни бўлачка. "Яхши дам – меҳнатга ҳамдам", деб бежиз айтишмайди.

Оққўрғон ва Куйичирчиқ туманларидаги қатор фермер хўжаликларига "Наврўзи аям" халқ ашула ва рақс ансамбли, "Ёшлик", "Зафар", "Фонус", "Ҳосил" ансамбллари, "Нихол" мукофоти, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" қўриқ-танловларининг туман bosқичи голлиблари тайёрлаган бадийий дастурлар намойиш этилди.

етиштирди. Куни кеча хўжалик теримчиларига "Ҳорманглар!" дейиш учун туман ҳокимлиги, касба уюшмаси фаоллари, металл конструкциялари заводи раҳбар ва ходимлари ташриф буюришди. Албатта, улар куруқ келишмади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўрта-чириқ тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида илгор теримчилар учун маданий-маърифий тадбир ташкил этишди. Ўзбекистон халқ хофизлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, Академик жамоалар бирлашмаси хонандалари ижро этган қўшиқлар ҳашарчилар олиншига сазовор бўлди. Шунингдек, илгор теримчилар қимматбаҳо эсдалар билан тақдирланшиди.

Пахтакор туманларда кўчма дўконлар ташкил этилмоқда. Теримчи ва кишлоқ меҳнаткашлари дўконлардан ўзлари учун керакли буюм ва озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишмоқда. Бу улар учун яна бир қулайлик бўлди.

**Хуршида ТУРСУНБОВА,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Шундай тадбирлардан бири Бекобод тумани Дехқонобод фермерлар уюшмасида ўтказилди. Ўзбекистон Миллий театри, Академик ва халқ бадийий жамоалари дирекцияси, "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси вилоят бўлими хонанда ва актёрларининг чиқишлари теримчиларга манзур бўлди. Чиноз ва Пискент туманлари теримчилари Ўзбекистон халқ артистларининг қизилқарий суҳбатлари ва танikli хонандаларнинг жозибали қўшиқларидан баҳра олишди.

тераётганларнинг ғайратини қўриб ҳавасингиз келадди. Уларга терим ҳақини ўз вақтида бериб борапмиз, иссиқ овқатдан камчиликлари йўқ. Лекин бун-



– 36 гектарда пахта этиштирдик, – дейди Пискент туманидаги "Ҳожиёв Додубек" фермер хўжалиги раҳбари Сайёра Ҳожиёва. – Далаларда пахта

– Хар бир тадбирга халқимизнинг сеvimли хонандалари ва санъат усталарини тақлиф этилмиш, – дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Рамазиддин Икромов. – Концертлар чоғида теримчилар ҳам рақсга тушмоқдалар. Совға-саломлар эса илгор теримчиларнинг кўнглини кўтаряпти.

Уртачириқлик фермер Каримжон Бозорбоев 129 гектар майдонда мўл пахта

СУРАТАЛАРДА: теримчиларнинг маданий ҳордақ чиқаришлари ҳамда кўнадалик моллар харид қилишлари учун шароитлар яратилмоқда; илгор теримчилар мунтазам рағбатлантириляпти.

**Собир ЗУФАРОВ,** **Еркебой БОТИРОВ** ва **Даврон АҲМАД** олган суратлар.



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# СИФАТЛИ ДОН – МАЗАЛИ НОН

Мамлакатимиз галла мустақиллигига эришгач, дон сифатини яхшилаш устувор вазифага айланди. Шу мақсадда уруғчиликка эътибор кучайтирилиб, уни тайёрлаш, сифатини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг галла ва дон маҳсулотлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарори бу ишда муҳим омил бўлмоқда.

Галла ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш, донни сақлаш, қайта ишлаш жараёнларида замонавий технологиялардан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг ўз ўрни бор.

Биз галла ва дон маҳсулотларига меъёрий-техник ҳужжатлар ҳамда техник шартлар талабларига, шунингдек, қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операцияларида

уларнинг сифатини синаш услубларига риоя этилишини мунтазам назорат қилиб бормоқдамиз.

Давлат омборларига қабул қилинадиган галланинг катта қисмини "Ўздавдонинспекция" назоратдан ўтказиб, белгиланган сифат меъёрларига мувофиқлигини аниқлайди. Бугдўйнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири унинг таркибидаги оқсил (клейковина) микдорининг кўплигидир. Уму-

ман, бу модда микдори юкори бўлган бугдой этиштириш катта меҳнат талаб қилади.

Марказий лабораторияда бугдойнинг барча сифат кўрсаткичлари, таркибидаги клейковинанинг микдорини текширишади. Моддалар қанчалик тўлиқ бўлса, нон ва дон маҳсулотлари ҳам шунчалик сифатли бўляди.

Бу йил вилотимизда этиштирилган галлада клейковина етарли эканлиги аниқланди. Бу экин агротехника қоидаларига амал қилинган ҳолда парваришлангани, минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйдирилгани самарасидир.

Ўрим-Иғим пайтида пешма-пеш қабул қилиниб, очик майдонларга тўкилган

дон тезда ёпик омборларга жойлаштирилди. Энди уни сифатли сақлаб, қайта ишлаб, истеъмолчиларни турли хил хуштам нон маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси турибди.

Ҳозирги кунда вилотиямизда кузги бугдой экиш қизгин бошлаб юборилди. Уруғликнинг тўқ, соғлом бўлиши мўл ва сифатли ҳосил учун асосий заминдир. Шу боис ҳозир уруғликни тайёрлаш жараёни қатъий назоратга олиниб, тегишли йўл-йўриқ, кўрсатмалар берилиб, уларга оғишмай риоя этилиши қатъий назорат қилинмоқда. **Мирзиёд МИРҲАМИДОВ,** "Ўздавдонинспекция" вилот худудий бўлими етакчи инспектори.

КОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

# ЎЗАРО ИШОНЧ – МУВАФФАҚИЯТ АСОСИ

Иқтисодийни ривожлантиришда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва замонавий технологияларга ўтишда хорижий сармояларнинг аҳамияти беқийс. Уни жалб қилишни усуллари кўп. Жумладан, қимматбаҳо қоғозларни сотува чиқариш, корхоналарнинг акцияларини чет эл сармоядорларига сотиш орқали бутун-бутун тармоқларда ишлаб чиқаришни янги технологиялар асосида ривожлантиришга эришиляпти.

– Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир фармон ва қарорлар бундай сармояларни жалб қилиш учун қулай ва ишончли қонуний-ҳуқуқий муҳит яратди, – дейди вилоят адлия бошқармаси хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Ёқубжон Бокиев. – Адлия идоралари шу қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига оғишмай амал қилишни устидан мониторинглар ўтказиб, ариза ва муурожаатномаларда кўтарилган масалаларни синчиқлаб ўрганиб, аниқланган ҳар қандай қонунбузилишларни бар-тараф этишга эришмоқда.

Яқинда "Asian Transport Group, Inc", "Slamford Capital, Inc" хорижий корпорацияларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари муваффақиятли яқунланди.

"Тошкентпахтасаноат" акциядорлик жамиятининг акциядорлари бўлган бу хорижий корпорацияларга 2007 ва 2008 йиллар учун дивиденд тўлаш кечиктириб юборилди. Чунончи, "Asian Transport Group, Inc" корпорацияси 11,7 фоиз акция пакетига эга бўлиб, акциядорлар умумий йиғилишларининг қарорларига кўра, унга 2007 йил учун 63 миллион 971 минг сўм

дивиденд тақсимланган. Бироқ, шу йил февралгача 45 миллион 971 минг сўми тўланган келинган.

Умуман, 2008 йил ҳисобидан тўланган 47 миллион 284 минг 400 сўм дивиденд маблағи ҳам қўшилиб, "Тошкентпахтасаноат"нинг корпорациядан қарзи 93 миллион сўмдан ошиб кетган. Шу муддатда унга 20 миллион сўмдан кўпроқ бокиманда қарз ҳам қўшилган. Акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш марказининг дивиденд тўлаш ҳақидаги кўрсатмасини ҳам бажармаган.

Шундан кейин корпорация раҳбарияти дивиденднинг ундириб беришнинг сўраб, вилоят адлия бошқармасига муурожаат этди. Бу ҳолат атрофлича ўрганилиб, тегишли ҳужжатлар билан танишилгач, "Тошкентпахтасаноат" акциядорлик жамияти бошқарувиغا қонунбузилишни бар-тараф этиш, ҳисобланган дивидендларнинг зудлик билан тўлаш, қонунбузарликка йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли чора қўриш юзасидан тақдирнома киритилди.

Бироқ, акциядорлик жамияти бошқаруви истеъмолчиларга етказиб берилган маҳсулотлар ҳақи тўланмаётганига баҳонасида бу кўрсатмани ҳам бажаришни пайсалга соливерди. Шундан кейин хорижий корпорация президенти Ричард Делер дивиденднинг амалда ундиришга ёрдам кўрсатишни сўраб, адлия бошқармаси

га яна муурожаат этди. Энди бошқарма ишни қонунан қўриб чиқишни сўраб, Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суд мажлисида бошқарма хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимининг бош маслаҳатчиси Ҳамдамбек Расулов иштирок этди. Жавобгар вакиллари судга келишмади. Лекин хўжалик суди тақдим этилган материалларни қўриб чиқиб, "Тошкентпахтасаноат" акциядорлик жамиятидан корпорация фойдасига 93 миллион сўмдан ортиқ дивиденд ундириш юзасидан ҳал қилув қарорини чиқарди.

"Тошкентпахтасаноат" акциядорлик жамиятидан "Slamford Capital, Inc" корпорацияси фойдасига дегарли 122 миллион сўм дивиденд ундириш ҳам шу тариха ижобий ҳал этилди.

Тадбиркорлик ва тижорат ишда шериклар ўрта-сидига ишонч катта аҳамиятга эга. "Хизматдан, сармомдан фойдаландингми, бундан муайян молия-иқтисодий наф қўриндигми, вақтида, ҳал ҳисоб-китоб қил". Тадбиркорликнинг бу муқаддас тамойили хорижий сармоядорлар билан ўзаро шерикчилик муносабатларида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу ўриндаги ҳар қандай қонунбузилиш хорижий сармоядорларда ишончнинг сусайтириб, ташки иқтисодий алоқаларга, мамлакат иқтисодийга хорижий сармояларни жалб қилиш жараёнига салбий таъсир қўрсатади. Бугунги ҳаҳон молия-иқтисодий бўҳрони шароитида хорижий шериклар билан ўзаро ишончга путур етказувчи бундай ҳолатларга асло йўл қўйиб бўлмайди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

# Тошкент вилояти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси

## 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар кун

### билан таълим соҳасининг барча ходимларини муборакбод этади!

Сиз азизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизда улкан зафарлар тилайди. Эзгулик ва маърифат нури боқий порлайверсин!



2010 йил – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНГАН

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос фазилатларни намоен этадиган, унинг орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кунни кўради. Шу боис, ёшлар тарбияси давлат сиёсатида устувор аҳамиятга эга.

Ватанимиз тараққиёти ва ислохотларнинг муваффақияти халқнинг ҳуқуқий онги, маданияти, қабул қилинаётган қонунлар мазмунини қай даражада англаб этиши ва амал қилишига боғлиқ.

Юртимизда бола ҳуқуқларини кафолатловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинганки, уларда болаларнинг давлат ҳимоясида ва маълум имтиёзларга эгалиги белгилаб қўйилган. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг тураржойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилган.

Етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган иқтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, ўзлари илгари яшаган тураржой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ тураржой олиш ҳуқуқига эга. Ушбу қонун ҳужжатларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Боланинг туғилиши Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этилмаган тақдирда, улар давлат томонидан берилган ижтимоий ҳуқуқлар, бепул таълим,

нафақа ёки моддий ёрдам олиш, вояга етгандан кейин тенг шароитларда меҳнат қилиш, бепул тиббий ёрдам олиш, мулдор бўлиш, қолаверса давлат кафолатлаган барча ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла фойдаланади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, буни боланинг доимий яшаш жойидаги Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи бир ой муддат ичида қайд олиши лозим.

Маълумки, ҳар бир оиланинг асосини никоҳ ташкил этади. Никоҳ муносабатлари ҳам қонунчилигимизда оила меъёрга солинган. Оила кодексининг 13-моддасига асосан фақат ФЖДЕ органларида тузилган никоҳга қонуний ҳисобланади ва эр-хотин, болалар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқаради.

Давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири тўлақонли оилани шакллантириш ва муҳофаза қилиш экан, никоҳни ўз вақтида қайд эттирмастик, туғилган болага нисбатан оталик белгилаш, бола туғилган вақтда ота бўлмаган тақдирда боланинг туғилишини ёлғиз она сифатида қайд этириш жамиятимизда салбий ҳолат саналиб, болалар ва аёллар ҳуқуқларининг тўлақонли таъминлинишига, уларнинг шахсий, мулкий ҳуқуқ ва манфаатларидан фойдаланишларида тўсиқларни вужудга келтиради. Шу сабабли, ёшларимиз оила қуришдан олдин бир-бирининг соғлиғидан хабардор бўлишлари, соғлом болани дунёга келтириш мақсадида тиббий кўриқдан ўтишлари лозим.

**Хатирям ГАИТОВА,** **Олмалик шаҳар 1-давлат нотариал идораси нотариуси.**

# Жаҳонда

## ҲАРБИЙ МАШҚЛАРДАН МАҚСАД НИМА?

Жанубий Корея ва АКШ Сарик денгизда кемаларга қарши ҳамкорликдаги ҳарбий машқларга киришди, дея хабар беради Agence France-Press.

Машқларда 1700 га яқин ҳарбий хизматчи иштирок этаёпти. Бироқ, денгиз машқларида қанча кема қатнашаётгани маълум қилин-

маган. Фақат шу маълумки, Вашингтон ва Сеул иккидан эсимини сафарбар этган. Шунингдек, Американинг востуи кемаси ҳам машқларга жалб қилинган. АФР агентлигининг хабарига кўра, бу ҳарбий машқлар Корея Меҳнат партияси Марказий кўмитаси Сиёсий бюроси мажлисидан бир кун олдин бошланганди. Тахминларга қараганда, мажлисда бир қатор кадр ўзгаришлари қилинмоқчи. Жумладан, кейинчалик Ким Чен Ир ўрнига унинг ўғли Ким Чен Ун ҳокимият тепасига келади, деган гап ҳам бор. Аммо, КХДР ҳукумати бу тахминни рад этди.



### НИГОХ

## БЕМАЗА ҚОВУННИНГ УРУФИ КЎП

деганларидек, Қирғизистонда партиялар кўркам ёмғирдан кейинги кўзиқориндай бодраб кетди

"Хар бир сиёсатчининг ўз партияси бўлсин!" Қирғизистонда сайловда кампанияси шу шир остида бошланган эди. Бугун партияларнинг ҳаддан зиёд кўпчилигини салохиятли сайловчиларнинг кўзи тиниб, боши айланиб кетаяпти.

Яқинда партияларнинг узундан-узқоқ рўйхати яна битта "Бирлашган халқ партияси" (БХП) қўшилди. Ҳозир Марказий Сиёсатдаги бу ушқоқна мамлакатдаги вазият афандининг ҳолатини эслатади. У ёки бу даражада танилган арбоб ўз партиясига эга бўлиб, унинг востасида бир сакраб, парламент таркибига хириб олишга интилоқда. Негаки, энди Қирғизистон минтақада биринчи парламент республикасига айланаётгани боис ҳукумати бошқарувни асосий кучлар айнан парламентда тўпланади.

Азимбек Бекназаровнинг маълум қилишича, "Бирлашган халқ партияси"нинг асосий вазифаларидан бири ҳокимиятда ёш сиёсатчиларни кўпайтиришдан иборат. "Биз, оқсоқоллар янги сиёсий табакани ташкил этишимиз лозим, ҳукумат тепасида эса ёш кучлар бўлиши керак", деди у.

Хар ҳолда, нафақат муваққат ҳукуматнинг асосий аъзолари, балки уларнинг муҳолифлари ҳам депутатлик мандати учун курашишни ниятда эканликларини маълум қилишди. Муваққат ҳукуматда турли сиёсий кучларга мансуб бўлган бош вазир ўринбосарлари Темир Сариев ("Оқ Шумкар"), Азимбек Бекназаров ("Бирлашган халқ ҳаракати"), Омурбек Текебаев ("Ота Макон") ва Алмазбек Атамбоев ("Социал демократик партия") ўз мансаб лавозимларидан воз кечиб, ҳокимият учун курашишга жазм

этишган. Муҳолифатчилар сафида "Ор-Номус" партиясининг таникли етакчиси Феликс Кулов, "Ота Юрт" партиясини яқиндан бери бошқараётган милиция генерали Омурбек Суваналиев, мамлакатга танилган совет мактаби чекисти, "Эл Армони" партияси етакчиси, генерал Мирослав Ниезов ҳам бор.

Маълумотларга қараганда, парламентдаги амал курсиси учун камидан 25 та партия кураш олиб боради. Беш миллионгина аҳоли яшайдиган мамлакат учун шунча партия кўплик қилади, албатта: "Қурилиш", "Нисбатан давogarлар кўпроқ эканлиги боис мандат учун кураш ҳаёт-мамот жангига айланиши ҳеч гап эмас.

Экспертлар "Бу энг даҳшатлиси эмас", дея оғохлантирмоқдалар. Уларни октябрь сайловлари октябрь инқилобига айланиб кетиши хавфи кўпроқ ташвишга солмоқда. Бу бежиз эмас. Масалан, чекист Мирослав Ниезовнинг сайлов натижалари сохталаштирилишига хозирданок ишончи қомил. У "Коммерсант" газетасига борган интервьюсида шундай деди: "Қирғизистонда сайлов кампанияси ҳеч қачон ҳалол ва ошқорла бўлмаган". Шу боис у бунга рўйи қарши туришга тайёр: "Ҳокимият учун кураш қаттиқ ва аёвсиз бўлади. Энди ҳеч ким тумтайиб, ҳукуматдан хафа бўлиб ўтирмайди. Куч - сиёсий курашнинг хал қилувчи шартига айланди. Агар ҳукумат куrolга ёпишса, бунга жавобан кўплаб куrollар яланғочланади. Бу ерда ҳазилга ўрин йўқ. Зеро, гаровга давлат тикилган".

Яна бир мутахассис - сиёсатчи Александр Князев Қирғизистонда талатўп юз

## БИТИМИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ГУМОН

Техрон агар Россия С-300 зенит ракета мажмуасини етказиб бериш тўғрисидаги битимни бажармаса, судга муржаат этишини маълум қилди.

ISNA агентлиги парламентнинг миллий хавфсизлик ва ташиқ сиёсат бўйича комиссияси бошлиғи Алоуддин Боронжердиннинг сўзларига таяниб, шу хабарни тарқатди. Боронжерди агар битим барбод этилса, Эрон Россияга таъсир ўтказишнинг ҳуқуқий чораларини кўришини маълум қилди.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши июнь ойида Эронга нисбатан янги жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилди. Унда куroll-яроғ етказиб беришни чеклаш масаласи ҳам тилга олинган. Аввалига ушбу санкция Эрон-Россия битимининг ижросига таъсир кўрсатмаслиги маълум қилинган. Бироқ Россия президентининг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарори ижросига оид чоралар тўғрисидаги фармондан сўнг битимни бажаришнинг илоҳи бўлмади қолди.

# ҲУРМАТЛИ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР!

## Зангиота тумани халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси туман бирлашган кўмитаси сизларни


### 1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини байрами билан қутлайди. Масъулиятини ва шарафини иш фаолиятингизда омда ва зафарлар ёр бўлсин!



# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!


Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2010 йил 29 октябрь соат 18.00 да очик тендер ўтказилади.

1. Битта пакет билан:  
ВХ-490 й.т. "Чингелди қишлоғи - Кўйлик АШБ"  
ВХ-492 й.т. "Чингелди қишлоғи - Геофизика кўргони - ТТЗ"  
ВХ-516 й.т. "Қибрай АШБ - Дўстлик ф/у"  
ВХ-518 й.т. "Мой қишлоғи - Феруза даҳаси"
2. ВХ-392 "Пискент АШБ - Кўйлик АШБ (Туябўғиз орқали)"
3. ВХ-583 "Ниезов маҳалласи - Чилонзор ББ - С.Раҳимов АШБ"
4. ВХ-446 й.т. "Тошғўштшаҳарчаси - Жанубий вокзал АШБ"
5. ВХ-463 й.т. "Зангиота мақбараси - Жанубий вокзал АШБ"
6. ВХ-226 й.т. "Анарқулов даҳаси - Чилонзор буюм бозори"
7. ВХ-233 "Янгийўл шаҳар бозори - Эшонобод ф/у"
8. ВХ-286 "Янгийўл ш. ЎзМЭИ - С.Раҳимов м.б. АШБ"
9. ВХ-288 "Жун арик маҳалласи - САИМЭ НИХИ"
10. ВХ-297 й.т. "Пахта хирмони - Гулбахор кўргони"
11. ВХ-267 "Бекобод АББ - Навбахор ф/у"
12. ВХ-268 "Бекобод АББ - Бекобод ф/у"
13. ВХ-270 "Зафар АЧСБ - Тошкент АББ"
14. ВХ-256 "Зафар АЧСБ - Бекобод АББ"
15. ВХ-451 й.т. "Олтинтепа маҳалласи - Пахтакор АШБ"



Очик тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин. Тендер ташкилотчиси - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2009 йил 27 февралдаги 51-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят

ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси. Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй. Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 х/р (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТЎТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда пул ўтказиб, 2010 йил 24 октябргача буюртма беришлари лозим. Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2010 йил 28 октябрь соат 18.00 гача қабул қилади. Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимиятининг кичик мажлис залли. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.



## АСИРИНИНГ ҚИСМАТИ БОШ ВАЗИРГА БОҒЛИҚ

Россия фуқароси Виктор Бут 2008 йилда АКШ ташаббуси билан Бангкокда ҳибсага олинган. Америка ҳукумати уни Колумбиянинг Инқилобий куrollли кучлари жангариларига куroll-яроғ сотишда айбламда. Бут эса бу айбловни рад этапти. Ҳозир АКШ Тиланд ҳукуматидан Бутни Америкага экстрадиция қилишни талаб этимоқда. Шу боис Бут Россия президенти ва бош вазирга ёрдан сўраб муржаат қилди. Чунки, АКШда одил судлов ўтказилишига ишонмайди. Илгарий Россия ИИБ Сергей Лавров Россия Бутни ўзи ватанига қайтариш учун ҳамма чорани кўради, деган эди. Таиланд бош вазир Апхист Ветчавива Бутни АКШга экстрадиция қилиш масаласини шахсан ўзи хал қилишини айтиди. Энди Бутнинг тақдири бош вазирнинг қандай қарорга қелишига боғлиқ.

## ПРЕЗИДЕНТ ПОЛИЦИЯ КУЗАТУВИДАН ВОЗ КЕЧДИ

Руминия президенти Траян Бэсеску ўз кортежини полиция кузатиб боришдан воз кечди, дея хабар берди Agence France-Press.



Аслида президент муҳофазасини махсус хавфсизлик хизмати таъминлайди. Бироқ, шу пайтгача давлат бошлигининг кортежини қўшимча тарзда ўнга яқин полициячи ҳам кузатиб борарди. Бэсескунинг улар хизматидан воз кечишига сабаб шуки, мамлакатда давлат харажатларини камайтириш режасига қарши тахминан олти мингга яқин полиция ходими президент девонини олдидан норозилик юришини уюштирди. Тadbир иштирокчилари Бэсескунинг истеъфога чиқишини талаб қилдилар. Харажатларни қисқартириш режасига мувофиқ, давлат хизматчиларининг иш ҳақи 25 фоизга камайдди. Жумладан, бюджет соҳасидан 70 миңг ходим ишдан бўшатилади. Ҳукумат шу йўл билан давлат бюджетидан зарарни уч фоиз атрофда камайтирмоқчи. Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ООО "AVTO GAZ INVEST", юридикский адрес: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Садыкова д. 14 сообщает об изменении юридического адреса: Настоящий адрес: Самаркандская область, Самаркандский район, "Улугбек" КФЙ, Хужаахорр кишлоғи. Все вопросы по тел: 237-44-85.

Хамза тумани (Фарғона йўли, 21) Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2006 йил 24 апрелда 000983-07 реестр рақами билан рўйхатга олинган ҳуқуқий манзили: Лисунова 4-даха, 34-уй, 25-хонадондаги "ISTOCHNIK RADOSTI" (ИНН 206426044) хусусий корхонаси ТУГАТИЛАДИ. "ISTOCHNIK RADOSTI" ХК 2010 йил 28 сентябрдаги 1-сонли ўзини-ўзи туғатиш тўғрисидаги қарорини қабул қилган. Кредитор ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 709-00-34 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Хамза тумани (Фарғона йўли, 21) Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2010 йил 13 апрелда 002822-07 реестр рақами билан рўйхатга олинган, ҳуқуқий манзили: Илтифот кўчаси, 100-уйдаги "ACCOOL LUX" (ИНН 301578276) хусусий корхонаси ТУГАТИЛАДИ. "ACCOOL LUX" ХК 2010 йил 23 сентябрдаги 2-сонли ўзини-ўзи туғатиш тўғрисидаги қарорини қабул қилган. Кредитор ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 345-00-95 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Утерьяннуо круглоу печать, выданную ООО "ШАҚАҚ АВО САВО" Сергелийского района г. Ташкента (ИНН 206642710), СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Собир Раҳимов туманидаги "TORENTO" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди иштирокчилар қарорига асосан 1 835 510 000 сўмдан 135 510 000 сўмга камайтирилди. Маълумот учун телефон: 233-97-88.

ООО "WINGLU SUCCESS PLUS", зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района № 004421-03 от 23 февраля 2010г. (ИНН 301511218, ОКПО 23205259) адрес: Мирабадский район, ул. Афросибаев, дом 15/1, кв. 3, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания учредителей № 1 от 20.09.2010г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 128-44-42.

ООО "OMAD NET SERVIS", зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района № 002453-08 от 24.10.2006г. (ИНН 300032244), адрес: Х. Дустиги, дом. 28, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение учредителя № 3 от 25.08.2010г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 07.07.2006 йилда 001485 реестр рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 206705987) "DADAVO KOMMUNALCHИ SERVIS" хусусий ўй-ҳў мулкдорлари ширкатида тегишли бўлган бир дона думалок муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Утерьяннуо дубликат гос.ордера № 03-01/8120 от 29.04.93г. права собственности на квартиру Курбановой Турсунбойи, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерьяннуо гос.ордер № 04-01/15670 от 8.02.93г. права собственности на квартиру по адресу: Карасу-4, д. 1, кв 120, Хасановой Гульноры Аминджановны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ЧП "MIRKOMOL-FAYZ-TEKS" Яқсарайского района г. Ташкента, преобразуется в ООО "MIRKOMOL-FAYZ-TEKS", которое будет являться правопреемником по всем правам и обязанностям. Тел.: +99897776111.

Частное предприятие ЧП "ENIGMA AZIA" (ИНН 300918708, ОКПО 15330) ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. С. Азимова, 72-А. Тел.: 904-64-61.

ООО "ZHENG XING", зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента по адресу: г. Ташкент, ул. Бунёдкор, 11 (ИНН 301246903, ОКПО 22822702) ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания № 2 от 28.09.2010г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 346-95-30.

Утерьяннуо круглоу печать ЧП "SAMETOV RAHMJAN" (ИНН 446063757), зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента по адресу: Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 156-А, выданную разрешительным отделом Чиланзарского РОВД, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Миробод туманидаги "NILUFAR DIAMOND" ХК (ИНН 301483689) ТУГАТИЛАДИ. Давълор эълон чиккан кундан бошла икки ой давомиде 290-52-24, 774-60-66 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Частное предприятие «TRIO-PANTERA» Мирзо Улугбекского района г. Ташкента (ИНН 205827298) сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО «TRIO-PANTERA»

